O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 10 март, № 47 (3846) Жума

Президент табригини ўқиб...

# АЁЛ ЗОТИГА ЭҲТИРОМ

*Куни кеча бутун мамлакатимизда Халқаро хотин-қизлар куни кенг ва кўтаринки руҳда байрам қилинди. Шуниси эътиборлики, бу қувончли айём волидаи муҳтарамаларимиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз ва жондан азиз қизларимизга ҳурмат-эҳтиромимиз, меҳр-муҳаббатимизни намоён этиш учун яна бир бор имконият туғдиради.*



Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган байрам табригида таъкидлаганидек, "Яратганнинг буюк ва беқиёс мўъжизаси бўлмиш аёл зотини таърифлаш ва мадҳ этиш учун ҳар қандай ёрқин тимсол ва ташбеҳлар камлик қилади. Аёл деганда, аввалимбор, кўз олдимизда азиз ва мукаррам Она сиймоси намоён бўлади...".

Бизнинг ота-боболаримиз ҳам оналарни, умуман, аёл зотини эъзозлаб келган. Уларнинг шарафига Бибихоним, Тожмаҳал каби мумтоз обидалар барпо этишган. Мана шундай қутлуғ анъаналар бугун ҳам давом этаётгани кўнгилга қувонч бағишлайди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ғояси асосида Мустақиллик майдонида қад ростлаган ва ўзида Бахтиёр она сиймосини мужассам этган муҳташам ёдгорлик мамлакатимизда аёл зотига ҳурмат ва эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Муҳтарам Юртбошимизнинг байрам табриги ҳам хотин-қизларимизга муносиб ҳадя, чиройли гулдаста бўлди, десак, хато қилмаймиз.

Умуман олганда, Юртбошимизнинг ҳар бир байрам муносабати билан халқимизга йўллайдиган табриги моҳият-эътибори билан мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Бу қутловлар давлат раҳбарининг муайян масала бўйича ёндашув ва қарашларини, қувонч ва ташвишларини, эзгу тилакларини ифода этиш билан бирга, олдимизда турган аниқ вазифа ва муаммоларни кўрсатиб, эл-улусни руҳлантириш, сафарбар этиш фазилатига эга. Улар халқ билан ошкора фикрлашиш, миллат манфаатини кўзлаб давлат миқёсида тузилаётган режалар юзасидан самимий суҳбатлашиш руҳи билан ўзига хос мулоқот тамойилига айланган. Шу боис халқимиз бундай табрик ва мактубларда билдирилган самимий таклиф ва фикрларни кўнглига яқин қабул қилади ва уларни қўллаб-қувватлайди.

Шу ҳақда ўйлар эканмиз, беихтиёр яқин ўтмишда кўрган-билганларимиз хаёлдан ўтади. Ўша замонда ҳам турли байрамлар ва табриклар бўлган ва жарангдор овозда ўқилган. Лекин, афсуски уларда инсоннинг ҳаёти, орзу-ҳаваслари, кундалик қувончу ташвишлари бир четда қолиб, нуқул "коммунизм ғалабаси" ҳақидаги баландпарвоз гапларга урғу берилган.

Масалан, Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан эълон қилинган табрикларда баъзан аёл зотининг қадр-қиммати "шунча минг тонна пахта терди", "шунча минг литр сут соғди", "шунча минг метр газлама тўқиди" каби кўрсаткичлар билан белгиланган. Ва бу тушунарли эди, албатта. Чунки хотин-қизларга ҳам асосан арзон "ишчи кучи" сифатида қараш собиқ тузум сиёсати ва мафкурасида етакчи ўрин тутар эди.

Минг шукурки, бугун ана шундай сохта қарашлар даври ўтиб, жамиятимизда ҳаётий қадриятлар инсон манфаатини ҳамма нарсадан улуғ деб билиш тобора чуқур ўрин олмоқда.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, аёл бахтли бўлса, оила бахтли бўлади. Оила бахтли бўлса, жамият бахтли бўлади.

Аёлларимизга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги нуфузи ва мавқеини ошириш, иззат-ҳурматини жойига қўйиш истиқлол сиёсатининг устувор йўналишидир. Буни биз Конституциямизда, амалий ҳаётимизда яққол кўришимиз мумкин. Мана шу сиёсат туфайли жамиятда аёлларимизнинг ўрни ва таъсири, қадр-қиммати кундан-кунга ошиб бормоқда. Мисол тариқасида, биргина Зулфия номидаги Давлат мукофотини олайлик. Ҳар йили байрам арафасида ўн тўрт нафар қизимизнинг шу мўътабар мукофот билан тақдирланиши кўнгилларга қувонч бағишлаб қолмай, уларга қанот бўлади, улкан парвозларга етаклайди. Хотин-қизларимиз орасидан Ўзбекистон Қаҳрамонлари, сенатор ва депутатлар, жаҳон чемпионлари етишиб чиқмоқда. Улар сиёсий партияларга етакчилик қилишмоқда. Илм-фан ва санъат соҳасида халқаро танловлар ғолиби бўлиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтаришмоқда.

Юртбошимиз ҳар байрамда оналарни азиз ва мукаррам зот, аёллар Яратганнинг буюк ва беқиёс мўъжизаси, деб улуғлаб келади. Мамлакатимиздаги ҳар бир онахонни ўз волидаи муҳтарамаси каби эъзозлаб, хотин-қизларни ўз опа-сингглиси, қизидек кўнглига яқин олиб, ҳурматлаб, ардоқлайди. Табрикдаги "Барчамизни юраги остида ўстириб дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган, ўзининг оқ сути, меҳр-муҳаббати билан қалбларимизга олижаноб инсоний туйғуларни сингдирган мунис оналаримизга ҳар қанча таъзим қилсак, уларни ҳар қанча улуғласак арзийди, албатта", деган ғоятда самимий сўзларни эшитганда киши беихтиёр тўлқинланиб кетади.

Давлатимиз раҳбари ўз табригида аёлларимизни эъзозлаб, фақат кўнгил ниятлари ва истакларини изҳор этиш билангина чекланмайди. Шу маънода, оналарни, умуман, аёл зоти манфаатларини доимо изчил ҳимоя қилиш, уларнинг оғирини енгил қилиш борасида давлатимиз, ҳукуматимиз амалга ошираётган амалий ишларга алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай дейди: "Биз аёлларимизнинг жамиятимиздаги нуфузи ва мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, хотин-қизлар учун, айниқса, қишлоқ жойларда янги-янги иш ўринлари яратиш, биринчи галда хонадон бекаларига дуч келадиган уй-жой ва коммунал хизматлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича яна кўп иш қилишимиз лозимлигини, бу борада заҳматкаш ва камтарин опа-сингилларимиз олдида қарздор эканлигимизни ҳам ўзимизга яхши тасаввур қиламиз".

Айтиш жоизки, айни шу мақсадда юртимизда кенг кўламли қатор давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ва ҳар биримиз мамлакатимизда хотин-қизлар турмушини янада яхшилаш, уларнинг ижтимоий нуфузи ва мавқеини ошириб, жамиятда аёл зотининг қадр-қимматини баланд даражага кўтариш, уларга муносиб турмуш шароитини яратиш мақсадида амалга оширилаётган катта ишларга гувоҳ бўлиб турибмиз.

Маълумки, республикамиз таълим тизими ва тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётган ходимларнинг катта қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Рақамлар тили билан айтганда, умумтаълим мактабларидаги ўқитувчиларнинг 63 фоизи, врачларнинг 54,2 фоизи, ўрта тиббиёт ходимларининг 87,5 фоизи хотин-қизлардан иборат. Шу маънода жорий йилда ўқитувчилар ва шифокорлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимининг такомиллаштирилганлиги айнан хотин-қизларга давлат миқёсида кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодасидир.

Бундан ташқари, табрикда айтилганидек, тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини, касаначилик фаолиятини ривожлантириш учун туғдириб берилаётган қулайлик ва имтиёзлар ҳам ана шу йўлда янги амалий қадамлар бўлиб хизмат қилади.

Ҳақиқатан ҳам, ҳаётдан аёлини рози қилган, уни азиз ва мукаррам билиб, эъзозлаган юрт асло кам бўлмайди.

Президент табриги руҳида ва мазмун-моҳиятида ана шундай эзгу инсоний даъват уфуриб турибди. Албатта, бу табрикда ўртага қўйилган мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқариш ҳар биримизнинг вазифамиз, кундалик ҳаётий ишимиздир. Зеро, мунис ва меҳрибон оналаримиз, гулдек опа-сингилларимиз ва бир олам орзу-ҳавас билан дунёга қадам қўяётган гўзал қизларимиз ана шундай эъзоз-эътиборга муносибдир.

**М. САФАРОВ.**

Ўзбекистон Республикасининг

## ҚОНУНИ

## ГЎУОМ иштирокчи давлатларнинг консуллик масалалари бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисида Конвенцияни (Ялта, 2001 йил 7 июнь) денонсация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 27 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 февралда маъқулланган

ГЎУОМ иштирокчи давлатларнинг консуллик масалалари бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисида Конвенция (Ялта, 2001 йил 7 июнь) денонсация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 9 март.

# Ҳам тежайди, ҳам асрайди



Кеча пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида "Соф энергия ва энергияни тежаш" мавзуида 1-халқаро ихтисослашган кўргазма ҳамда илмий-амалий конференция иш бошлади. IEG Uzbekistan халқаро кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилган ушбу тадбир Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, "Ўзбекнефтгаз" МХК ва "Ўзбекэнерго" ДАК ёрдамида ўтказилмоқда. Унда ўнга яқин давлатдаги 23 та компания иштирок этаяпти.

Кўргазма

Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги Президент маърузасида иқтисодиётнинг барча тармоқларида энергияни тежайдиган асбоб-ускуналарни кенг миқёсда қўллаш, бу борада ҳар қайси тармоқда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан қатъий мониторинг олиб бориш таъкидлаб ўтилган эди. Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда тадбир ташкилотчилари ва иштирокчилари кўргазма павильонларини ноанъанавий энергия ишлаб чиқариш ускуналари, жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берувчи ўлчагичлар билан тўлдиришга ҳаракат қилишгани яққол акс этиб турибди. Мисол учун, қуёш нури ёрдамида ишлайдиган сув иситиш мосламаси нафақат энергияни тежайди, балки атроф-муҳит софлигини ҳам таъминлайди.

— Мамлакатингиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлардан яхши хабардорман, — дейди биз билан суҳбатда Россиянинг "Русэлпром" электр-техника концернининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Шохин Набиев. — Ушбу кўргазмада 5 турдаги маҳсулот билан қатнашаяпмиз. Муҳими, маҳсулотимизни намойиш қилиш имконияти туғилибгина қолмай, балки ўзаро ҳамкорлик борасида ҳам келишиб оляпмиз.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**
**СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа.**
**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида

9 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг раиси А. Зиё иккинчи ўқишда тақдим қилди. Савол-жавоблардан кейин сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари иштирокида қонун лойиҳаси моддама-модда муҳокама этилди.

Ҳужжатнинг батафсил муҳокамаси чоғида қонун лойиҳасининг мақсади, асосий тушунчалари ва бошқа нормаларига аниқликлар киритилди. Қонун лойиҳасида муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш соҳаси, объекти, уни муҳофаза қилиш белгилари, муаллифнинг мулкий ҳуқуқлари, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни қонунчилик йўли билан таъминлашга боғлиқ бошқа талаблар аниқ белгилаб берилган.

Қонун лойиҳасининг алоҳида боби муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар ҳимоясига бағишланган. Унда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик, мазкур ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг техника воситалари ҳамда усуллари назарда тутилган. Депутатлар ҳужжатнинг муҳокамаси чоғида бу нормалар мазкур соҳадаги халқаро стандартларга тўлиқ мос келишини таъкидладилар.

Қонунчилик палатаси ҳужжатнинг муҳокамаси жараёнида билдирилган мулоҳазалар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди.

**ЎзА.**

# Ишонч ёрлиқлари топширилди

Кувайт Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳга Ўзбекистон Республикасининг Кувайт Давлатидаги элчиси Абдурафиқ Ҳошимов ишонч ёрлиқларини топширди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ икки томонлама муносабатлар ва уларни ривожлантириш истиқболлари масалаларига эътибор қаратди. Кувайт Амири Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг 2004 йил январь ойидаги расмий ташрифи Ўзбекистон-Кувайт муносабатларида муҳим воқеа бўлганини қайд этиб, Кувайт уларни келажакда ҳам ривожлантиришдан манфаатдорлигини таъкидлади.

**"Жаҳон" АА.**

Наврўз яқин

# БАХМАЛ ҚИРЛАР ОҒУШИДА





Далв ойида гуллаган бодом бугун довчалаб қолди.

Майдалаб ёққан ёмғирлар исмалоқнинг, қоқининг қулоқларини бир газга чўзиб қўйди.

Ариқ-зовур четлари ялпизлардан сирғалар тақиб олдилар.

Жамоли қуёшнинг кўзларини қамаштирган келинчак сўзанасига лолақизғалдоқнинг тасвирини туширди.

Кекса чўпон узоқ яйловга отланган набирасига бош боболаридан қолган заранг таёғини тортиқ қилди.

Ҳа, тоғларнинг пешонасини терлатиб, жилғаларни тарошлаб, адирларнинг қошларига қуюқ ўсмалар тортиб, танбал булутларни қамчилаб, тупроқнинг томирларини қайнатиб, ўйноқлаб, товланиб баҳор келди, қут-барака инди рўйи заминимизга.

Ҳудуди 20,8 минг квадрат километрга чўзилган Сурхон воҳасини биз баҳорнинг беланчаги деймиз. Бу эл ҳали жадди ойидан баҳорнинг илиқ шамолларига эшигини очади. Сумалак осилган ўчоқларнинг ўтинларига момолар ўзлари билган топишмоқлару, маталлару ривоятларни «тутантириқ» қиладилар. Қозонларнинг қайнашига бахшиларнинг терма достонлари жўр бўлиб кетади. Баҳор — Наврўз нафаси каттаю кичик — ҳар бир кишининг қалбида қўшиқ бўлиб янграйди.

Ана, қаранг, Очамойли қишлоғида ҳали мактаб ёшига етмаган болакай қўлидаги ўйинчоқ челак билан шағал ташияпти. Шағални кўчанинг ёмғир сувларидан ўйилиб қолган чуқур жойига тўкаяпти. Йўл созлаяпти! Баҳор йўлларига поёндоз тўшаяпти.

Етти иқлимда ўсадиган мевали ва манзарали дарахт турларини ўзида жамлаган, бу атрофда ноёб Денов Дендрарий боғи жамоаси бу йилдан бошлаб зайтун дарахтини кўпайтиришга киришди. Боғ шинавандалари шу баҳорнинг ўзида дендрарийчилардан 200 минг туп ноёб кўчатлар олиб ерга қададилар. Кўчат ўтқазиш, ободонлаштириш ишларига шу йилдан бошлаб тўлиқ маҳаллаларнинг ўзлари бош-қош бўлмоқда. Воҳада бу йил оз эмас, етти миллион туп кўчат ўтқазилди. Сариосиёлик Носир бобо Тўрақуловнинг қир-адирликларни боғу токзорларга айлантириш тажрибаси бошқа туманларда ҳам кенг қўлланиляпти. Қумқўрғондаги «Сафар Бойматов» ширкат хўжалиги раиси Туроб Жумаев ташкил қилган ҳашарга минг киши чиқди. Ўша куни Полвонтош адирликларида 100 минг туп кўчат қадалди.

Баҳор — хосиятли айём. Режаларнинг, орзу-ниятларнинг ижобат фасли. Термиздаги Рисолат Маматқулова бошлиқ «Сурхон воҳаси» фермер хўжалиги ҳиндистонлик сармоядорлар ҳамкорлигида велосипед ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Қумқўрғондаги «Сурхон» темир-бетон ашёлари ишлаб чиқарадиган комбинат маҳсулотини экспортга чиқармоқда. Баҳор фаслига келиб бу ерда бира тўла учта — ун, консерва, шифер тайёрлайдиган заводлар ишга тушишга тайёрланди. Айниқса, бу йил Бойсун баҳорининг тароватии ўзгача. Қумқўрғондан келган поезд Бойсундан энди Дарбанд-Деҳқонободга ўрламоқда. Темир йўлнинг шарофати билан Бойсунда обод бекатлар, муҳим инфратузилмалар қад ростлайди.



Баҳор келиб, боғлар, бутун борлиқ гулларга бурканди десак, жўн гап бўлар. Бу йилги баҳор юртимиз мустақиллигининг ўн бешинчи баҳори. Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг баҳори. Ислоҳотлар майдонидаги қадамларимиз дадиллашиб, қаддибастимиз кўркамлашиб бораётган баҳор.

Иншоолоҳ, бу баҳор ташрифи ҳам қутлуғ кечиб, элимизга қут-барака ёғилгусидир.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# НИЯТИГА ЕТАЁТГАН ФЕРМЕРЛАР

***Эрмат ака Усмонов — табиатан камтар, камсуқум инсон. Бировга қаттиқ гапирмайди. Вазмин, мулоҳазали. Шу сабабдан бўлса керак, азалдан унинг феъл-атворини яхши билган деҳқонлар шунга яраша муомала қилишарди.***

***Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати бошланган кезларда Эрмат ака ҳам ер олиб, мустақил меҳнат қилиш тараддудига тушди. Ўшанда баъзилар бу ишга қандайдир ишончсизлик билан қараб, унинг келажаги борми-йўқми, деб юрган пайтлар эди. Лекин тажрибали деҳқон аҳдидан қайтмади, аксинча катта майдонда ҳосил етиштириш истагини билдириб, ариза ёзди.***

Хуллас, у 233 гектар ер олиб, "Усмон" фермер хўжалигини ташкил қилди. Унинг 140 гектарида пахта, 93 гектарида ғалла етиштиришни йўлга қўйди. Ўзининг оила аъзолари, ҳамқишлоқларини ёнига олиб, ишни бошлаб юборди. Мана, ўн йилдирки, фермер ҳосилдорликни мунтазам ошириб, режаларни муттасил уддалаб келмоқда. Даромад ҳам шунга яраша бўляпти. Фойданинг бир қисмига эса техника воситаларини сотиб олмоқда.

Ҳозир фермернинг техника паркида 6 та трактор, 7 та тележка ва бошқа ўнлаб механизмлар мавжуд. Улар ёрдамида барча дала ишлари бадастир. Баъзида қўшниларига ҳам техникадан ёрдам бериб туради.

— Ёшим 72 дан ошди, — дейди Эрмат ака Усмонов. — Шунча йил ишлаб, бир ҳақиқатга имон келтирдим: фермер ҳақиқий мулк соҳиби. Масалан, мустақил иш юритамиз, фойдани ҳам ўзимиз тақсимлаймиз. Энг муҳими, пировард натижадан манфаатдор эканлигини жамоа

## Янги замон одамлари

аъзолари яхши билишади. Бу, табиийки, ишга ижобий таъсир этади. Хусусан, ўтган йили пахтадан 30, ғалладан 50 центнердан ошириб ҳосил олдик. Соф фойда 40 миллион сўмга етди. "Даромадга яраша буромад" деганларидек, яшаш шароитимиз ҳам яхшиланиб бормоқда. Болаларимнинг ҳаммаси уйли-жойли, иккита енгил автомашинамиз бор. Жамоамизда ишлаётган одамларнинг турмушида ҳам камчиликлари йўқ.

Абдурашид ака Маҳкамовнинг фермерлик ҳаракатига қўшилганига эса, мана, етти йил тўлди. Унинг асли касби — ҳайдовчилик. Жамоа хўжалигида бир неча йил машина ҳайдагандан сўнг хўжалик аъзоси, бригада бошлиғи бўлиб ишлади. Кейин оила аъзолари билан маслаҳатлашиб, 267 гектар ерда фермер хўжалигини тузди.

Унинг техникаларига ҳаваси келади кишининг. У ер ҳайдаш, уруғликни ерга қадашдан бошлаб, ҳосилни йиғиштириб олгунга қадар бўлган ҳамма жараёнларда фермернинг қаноти бўлмоқда. Натижада ҳар йили пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштирилмоқда. Хусусан, ўтган йили пахта тайёрлаш режаси 18 иш кунида уддаланиб, хомашёнинг 93 фоизи биринчи сортга сотилди. Режадан ташқари етиштирилган ғалланинг 200 тоннадан ортиғи эса фермернинг ўзида қолди. Муҳими, соф фойда 35 миллион сўмдан ошди.

Ўрта Чирчиқ туманида бундай илғор фермерлар кўп. Шу боис ўтган йил якунларига кўра, тумандаги зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз 8 та ширкат хўжалиги негизида 120 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Пировардида қишлоқ мулкдорларининг сони 500 га яқинлашди.

Эндиликда уларнинг ҳаммаси ҳар қачонгидан кўра мўл ҳосил етиштириш ниятида дала ишларини тобора қизитмоқдалар.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



## Кўклам — меҳнат билан кўркам

*Ҳозир кўчат ўтқазишнинг айни вақти. Шу кунларда бу муҳим тадбир мамлакатимизда авж паллага чиқди. Улуғнор туманида ҳам кўчаю хиёбонларга мевали ва манзарали дарахт ниҳолларини экиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бунда тумандаги Мазгилсой ирригация тизими бўлими ишчилари алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда.*

*Улуғнорликлар биргина жорий йилнинг ўзида 1,5 миллион дона кўчат ўтқазишни режалаштиришган.*

**СУРАТДА: ишчилар Саидаҳмад Эрматов ҳамда Баҳодир Холиқов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## «ПАРРАНДА ГРИППИ»:

# ШОВ-ШУВГА ЎРИН ЙЎҚ

***Ўзбекистон билан чегарадош бўлган айрим давлатлар оммавий ахборот воситаларида Марказий Осиё мамлакатларида ҳам "парранда гриппи" тарқалгани тўғрисида ахборот пайдо бўлди. ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Бош давлат санитария врачи Бахтиёр Ниёзматовдан ушбу ахборотни шарҳлаб беришни илтимос қилди.***

— Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги номидан шуни расман айтишим мумкинки, ҳудудимизда айни пайтгача паррандалар орасида ҳам, одамлар орасида ҳам бирорта "парранда гриппи"га чалиниш ҳолати қайд этилгани йўқ, — деди Б.Ниёзматов. — Биз республикамиз ҳудудиға ушбу "учар" инфекция кириб келишининг олдини олишга доир барча зарур чоралар кўрилаётгани ҳақида бир неча марта маълум қилган эдик. Касалликнинг асосий ташувчилари ҳисобланган ёввойи қушларнинг баҳорги кўчиш мавсуми бошланганига қарамай, ҳозирча ушбу вазифа муваффақиятли ҳал этилмоқда.

Яна бир бор шуни таъкидлаш керакки, инфекциянинг ташқаридан кириб келишига йўл қўймаслик учун, Вазирлар Маҳкамасининг республикамиз ҳудудига касаллик рўйхатга олинган мамлакатлардан парранда гўштини олиб келишни вақтинчалик тақиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилиниб, у қатъий бажарилмоқда. Олиб келинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари устидан санитария-божхона назорати кучайтирилган, барча 96 та санитария-назорат пункти доимий тайёргарлик тартибида ишламоқда ва Ўзбекистонга келаётган барча фуқароларнинг соғлиғини синчковлик билан текширмоқда.

Шу билан бирга, республика ичида эпидемия ва эпизоотияга қарши тадбирлар тўлиқ амалга оширилмоқда. Барча бозорларда сотувга чиқарилаётган паррандалар ва бу турдаги маҳсулотларни синчковлик билан текшириш йўлга қўйилган. Улар ветеринария-санитария лабораториялари рухсати олинганидан сўнггина сотувга чиқарилмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, истеъмолчиларга ўзларининг мазали ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини марказлаштирилган ҳолда етказиб бераётган республикамиздаги паррандачилик соҳаси ҳам албатта, қатъий назоратга олинган.

Ушбу тадбирларга тиббиёт ходимлари ва ветеринария хизматларидан ташқари, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари ҳам жалб қилинган. Ўзбекистонга "парранда гриппи" кириб келишининг олдини олиш бўйича республика идоралараро штаби куну-тун ишлаб турибди. Бу ишда эпидемиологлар, юқумли касалликлар шифокорлари, ветеринарлар, вирусолог-олимлар, зоологлар, орнитологлар иштирок этмоқда. Ёввойи қушлар тўхтаб ўтадиган барча кўллар, катта ва кичик сув ҳавзалари диққат билан кузатилмоқда. Бундан ташқари, ветеринарлар ва санитария шифокорлари ҳар куни аҳоли тураржойларида паррандалар ҳамда уй эгаларининг соғлиғи бўйича ҳолатни текширмоқда. Ҳамюртларимиз бу ишларнинг уйдаги паррандаларни соғлом сақлаш ва касалликка чалинишининг олдини олиш учун қилинаётганини яхши тушунади, деб ўйлайман.

Қушларнинг нобуд бўлиши билан боғлиқ ҳар бир ҳолат жиддий баҳоланиб, зудлик билан текширилмоқда. Республика вирусология лабораториялари зарур реактив ва ташҳис воситалари билан таъминланган. Шуни эслатиб ўтиш керакки, бугунги кунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги инфекция аниқланган ҳолатда ишлатиш учун керакли миқдордаги дезинфекция воситалари ва бошқа препаратларга эга. Фикримизча, хорижий оммавий ахборот воситалари тарқатаётган текширилмаган маълумотлар — "парранда гриппи" бўйича шов-шув кўтаришнинг яна бир услуби, холос. Яна бир бор таъкидламоқчиман, Ўзбекистонда ушбу инфекция бўйича эпидемиологик ва эпизоотик вазият тинч ва бунинг учун барча зарур чоралар кўрилган.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

FILA

## Дунё полвонлари яна Тошкентда

***11-12 март кунлари Тошкентдаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида эркин кураш бўйича FILAнинг "Олтин Гран при" туркумига кирувчи "Ўзбекистон мустақиллиги кубоги" халқаро турнири бўлиб ўтади.***

Эркин кураш бўйича ташкиллаштирилган мазкур халқаро турнирда Россия, Украина, Япония, АҚШ, Арманистон, Грузия, Греция, Швейцария, Озарбойжон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон каби дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган номдор полвонлар ғолиблик учун гиламга чиқадилар. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси ва бошқа тегишли ташкилотлар вакиллари нуфузли турнирни ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш учун жиддий ҳозирлик кўрдилар. "Ўзбекистон" спорт мажмуасига ташриф буюрган спорт ишқибозлари Олимпиада, жаҳон ва Европа чемпионатлари совриндорлари россиялик Ходжимурат Гацалов, АҚШ полвони Джо Вильямс, украиналик Виктор Белокопиткий ва бошқа номдор курашчилар ўртасидаги қизғин олишувлар гувоҳи бўлишади.

Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси бош котиби Константин Михайловнинг айтишича, мусобақада Олимпиада чемпиони Артур Таймазов, жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров, иқтидорли курашчиларимиздан Сослан Тигиев, Фарҳод Ўрозимбетов, Арслон Хуталиевлар юртимиз шарафини ҳимоя қилиши кутилаётир.

Мазкур турнир эркин курашчиларимиз учун жорий йил Қатар пойтахти Доҳада ўтадиган Осиё ўйинлари олдидан тайёргарлик вазифасини ўтайди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

***Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимига қарашли ташкилотларга ҳар куни кўплаб аҳоли мурожаат қилади. Уларнинг талаб ва эҳтиёжлари — ишсизлик, ногиронлик, нафақа таъминоти каби муаммолар бўйича кўмак сўрашдан иборат. Хўш, бугун жойларда айнан ана шу масалалар қай даражада ҳал этилаяпти? Соҳа раҳбар ва мутахассислари аҳоли мурожаатига қандай эътибор қаратишаяпти?***

# ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЯДИ

— Мамлакатимизда аҳолининг меҳнатга лаёқатли, аммо ишсиз қатламини ҳимоялашга эътибор қаратилмоқда, — дейди Самарқанд вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Фахриддин Фазлиев. — Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунларига бағишланган мажлисида Президентимиз ҳар бир соҳада бажарилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтар экан, аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш биринчи галдаги вазифа эканини қайта-қайта таъкидладилар. Биз ўтган йили аҳоли бандлигини ошириш мақсадида белгилаб олинган махсус дастур асосида фаолият олиб бордик. Йил сарҳисоби эса бажарилган ишлар ўз самарасини бераётганини кўрсатди.

Жумладан, вилоят бўйича 2005 йил мобайнида дастурда 42650 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилганди. Ҳақиқатда эса, бу кўрсаткич 49520 тага етказилди. Меҳнат бўлимларига иш сўраб мурожаат этганларнинг 89,4 фоизи иш билан таъминланди. 4531 нафар кишига ишсиз мақоми берилиб, уларнинг 2091 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланди. Қолган қисми эса касб ўрганишга, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди.

Меҳнат бўлимлари иш самарадорлигини ошириш корхоналардаги ишчи кучларига бўлган талабни тезкор равишда аниқлашга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу боис шаҳар ва туманлар марказларида «Бўш иш ўринлари» ярмаркалари ташкил этилаяпти. Бу тадбирларни йўлга қўйишда меҳнат бўлимларига шаҳар ва туман ҳокимликлари, прокуратура органлари, фуқаролик йиғинлари яқиндан кўмак бераяпти. Ўтган йилнинг ўзида вилоят бўйича 64 та шундай тадбир ўтказилди. Ярмаркаларда иштирок этган 4276 нафар иш билан банд бўлмаган фуқарога ўзларига маъқул келадиган бўш иш ўринларига йўлланмалар берилди.

— 2006 йилда янги иш ўринлари яратишга янада жиддийроқ эътибор қаратамиз, — дейди Ф. Фазлиев. — Тадбиркорлар билан ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланади. Чунки кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ногиронларга ҳомийлик ёрдами кўрсатишда ҳам кичик бизнес вакилларининг улуши катта бўлишига ишончимиз комил.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қизлар беллашуви

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 126-мактабда республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Қизлар — миллат келажаги» деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда тумандаги мактабларнинг энг аълочи ва иқтидорли ўқувчилари иштирок этишди. Қизлар оилада аёлнинг ўрни, кийиниш маданияти, пазандалик сирлари мавзуларида баҳслашдилар.

— Бундай танловларни ўқувчилар ўртасида мунтазам ўтказиб боришни режалаштираяпмиз, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси М. Содиқова. — Чунки улар нафақат ўқувчи қизлар билимининг ошишига, балки оила, турмуш ҳақидаги тасаввурларининг кенгайишига ҳам хизмат қилада.

**Ўз мухбиримиз.**

# Қарзми ёки фарз?

***Ўтган йил натижалари сарҳисоб қилинганда, Қарши шаҳридаги «Каштекс» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти давлат бюджетига 70 миллион 931 минг сўм солиқ тўламаган. Қарз пеняси 47 миллион 462,4 минг сўмни ташкил этади. Вақт ўтиб борган сайин бу қарзга ҳар ойда 496,5 минг сўм қўшилиб бораётир. Ёки бўлмаса, Косон туманидаги 21-автокорхонанинг боқиманда қарзи ойига 8 миллион сўмга, вилоят сув-оқова бошқармасининг қарзи эса қарийб 50 миллион сўмга ўсиб бораётганини нима билан изоҳласа бўлади?***

Шундай экан, ўзингиз холисанилло айтинг: бу корхона раҳбарларию ҳисобчиларига кунора қарзни қистовчи солиқчилар ёқадими?

Ёки бошқа бир мисол. «Шаҳрисабз» машина-трактор парки» давлат акциядорлик жамияти 2586,3 минг сўмлик лицензиясиз ноқонуний улгуржи савдо-сотиқни, 7360 минг сўмлик товар айирбошлаш ишларини амалга оширибди. Бундан хабар топган солиқчилар, табиийки, тўланмаган солиқлар, тўловларни чўтга ташлаб, ушбу корхонага 8608 минг сўм қўшимча жарима ҳисобладилар. Қарши шаҳридаги Шайхали автомобиль йўлларидан фойдаланиш бошқармаси раҳбарлари ҳам солиқчилар олдида бўйинларини эгиб қолдилар. Чунки улар

## Долзарб мавзу

бошқарма ҳужжатларига бир қиё боқдилар-у, айбдорлар гарданига 66 миллион сўм жаримани юкладилар.

Айни чоғда Қашқадарёда тадбиркорлик ривожланаётганлиги, мулкдорларнинг давлат бюджетига қўшаётган ҳиссалари йил сайин ўсаётганлиги жудаям яхши. Ҳозирда бу ерда 1526 тадбиркор фаолият кўрсатаётгани, ўтган йили улар томонидан 2 миллиард 26,8 миллион сўм миқдорида даромад солиғи тўлангани шундан далолат беради.

Лекин вилоят солиқ ва ички ишлар бошқармалари мутахассислари, йўл-патруль хизмати ходимлари ҳамкорлигида қисқа муддатли рейд текширувлари ўтказилганда, ана шу тадбиркорлар орасида чайқовчиликни эп кўрадиганлари ҳам борлиги аниқланмоқда. Чунончи, улар Чироқчи туманидаги «Умакай» масканида белгиланган жойдан бироз нарида тўхтаб, изига қайтмоқчи бўлган 18 К 18-29 давлат рақамли «КамАЗ» русумли автомашинага дуч келдилар. Машина тўхтатилиб, у кўздан кечирилганда, кузовда ҳар бири 1,5 литрлик 606 дона спиртли идиш териб қўйилганлиги аён бўлди. Аммо ҳайдовчи Абдулла Алмиров бу маҳсулотларнинг ҳужжатини кўрсатиш ўрнига текширувчилардан қочиш тараддудига тушди. Нима ҳам дердик, бузоқнинг югургани сомонхонагача-да...

Яккабоғ туманидаги Алакўйлак қишлоғида яшовчи Бурҳон Неъматов эса ҳеч қаердан рўйхатдан ўтмасдан, пахтадан чигит ажратиш цехини қуриб олибди. Устига устак, у катта миқдорда ноқонуний даромад топган бўлса-да, солиқ тўлашни етти ухлаб ёдига ҳам келтирмабди. Далилий ашё сифатида 1113 килограмм чигитли пахта, 116 килограмм чигит, 48 килограмм пахта толаси ва ускуналар олиб қўйилгандан кейингина унинг кўзи мошдек очилди-ёв...

Хулоса шуки, мамлакатимизда кимки ҳалол меҳнат қилиб, даромадига даромад қўшган ҳолда солиқ тўловларини ўз вақтида адо этса, албатта, у юрт бойлигига, демакки, ўз хазинасига барака киритади. Бироқ ўзларининг қилмишлари билан давлатга катта миқдорда зарар етказаётганлар эса бугун бўлмаса, эртага қонун олдида, эл-юрт олдида уятли бўлиб қолишлари аниқ.

**Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Қашқадарё вилояти давлат солиқ бошқармаси матбуот марказининг бошлиғи.**

## "Халқ сўзи"га жавоб берадилар



***Газетамизнинг 2005 йил 29 декабрь сонида «Лўттибозлар ёхуд пул дея виждонини еганлар хусусида» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда айрим шахслар томонидан уяли телефон аппаратлари орқали ноқонуний таксафон хизматлари кўрсатилаётгани танқид қилинганди.***

### Ижро назоратга олинди

Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари Б.НОДИРХОНОВ имзоси билан таҳририятга келган расмий жавобда таъкидланишича, *солиқ хизмати ҳамда давлат алоқа инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда мақолада қайд этилган ҳолатлар юзасидан ўтказилган тадбирлар натижасида 57 ҳолатда қоидабузарлик аниқланиб, уларга нисбатан 1490,1 минг сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланилган.*

*Мақолада кўрсатилган манзилда ўтказилган тадбирларда ноқонуний равишда ҳеч қандай ҳужжатсиз уяли телефонда фаолият кўрсатаётган беш нафар фуқародан 18 дона қиймати 800,0 минг сўмлик уяли телефон олиб қўйилиб, қоидабузар фуқароларга нисбатан тўпланган ҳужжатлар тегишли чора кўриш учун туман ДСИга топширилган.*

*Шунингдек, мазкур йўналиш бўйича давлат алоқа инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда қўшма рейдлар ўтказиш бўйича 2006 йил учун чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижроси раҳбарият томонидан назоратга олинган.*

### Томошага чек қўйилди

**Газетамизнинг 2006 йил 10 февраль сонида "Тор кўчадаги томоша" сарлавҳали мақола чоп этилган бўлиб, унда Қибрай тумани, Салор шаҳарчаси фуқаролар йиғинига қарашли Бобур кўчасидаги йўл устига қурилаётган иморат туфайли нафақат автоуловлар, балки аҳолининг яёв юриши учун ҳам ноқулайликлар юзага келгани, республика ўқув ишлаб чиқариш биолабораторияси ҳудудини кенгайтириш учун келтирилган бинокорлик ашёлари ҳам йўл устига туширилгани боис кўча бекилиб қолгани баён қилинган эди.**

Таҳририятимизга келган расмий жавобда шундай дейилади:

*"Мақола чоп этилгач, Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти раҳбарияти ташаббуси билан Салор шаҳарча фуқаролар йиғини аҳолиси учун муаммо бўлиб турган йўл очиб берилди. Институт томонидан кўрсатилган бу ғамхўрлик учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Бугунги кунда маҳалламизда истиқомат қилувчилар учун ҳеч қандай муаммо йўқ.*

**Бобур номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Б. УТАНБОЕВ".**

